

Маҳмудхўжа Нуритдинов

*Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш Маркази курс раҳбари,*

Шарқишунос, арабишунос,

*Ислом фалсафаси бўйича мутахассис
фалсафа фанлари доктори, профессор*

МУЪТАЗИЛИЯ ФАЛСАФАСИ

Аннотация: Мазкур мақолада муътазилия таълимоти ҳақида асосий маълумотлар келтирилади ҳамда илмий, фалсафий ва тарихий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Калит сўзлари: Дунёқараш, доктрина, муътазилия, халифалик, теология.

КИРИШ. Муътазилийлар ким? “Муътазилийла” деб иккинчи ҳижрий йилнинг биринчи ярмида Басрада ташкил топган мусулмон мутафаккирлари гуруҳини тушунамиз. Уларнинг ҳаракати шу даражада кенгайиб кетадики, ўша пайтдаги олий мусулмон табақаларининг аксарият қисмини бу ҳаракат ўз сафига тортиб олади. Аббосийлар халифалигининг пойтахти бўлмиш Бағдод бир неча халифалар ҳукмронлиги йиллари давомида улар фаолиятининг маркази бўлиб хизмат қилади, уларнинг доктриналари эса сунний исломнинг расмий доктринасига айланади. Муътазилийлар номини тушунтиришга бир қанча ҳаракатлар бўлган. Масалан, ал-Бағдодий “муътазилий” тушунчасини ўзининг “гуноҳ” ва “гуноҳкор” (бу сўзларнинг исломда қўлланилиши христианликдаги “гуноҳ” концепцияси ва унинг оқибатларига ҳеч ҳам тўғри келмасди) концепцияси туфайли мусулмон жамоасидан ажралиб кетган мазҳабдан келтириб чиқарарди. Гуноҳ, муътазилийлар талқинида иймон ва куфр орасидаги ўрта ҳолатдир. Шахристоний бошқа фикрни мисол тариқасида келтиради: Муътазилийлар мактабини ташкил этган Восил ибн Ато (вафоти 748 йил) гуноҳи кабиралар масаласида ўғай отаси ва устози ал-Ҳасан ал-Басрий билан тескари бўлиб қолади. Омма ҳузурида ўз фикрини очиқ-ойдин айтиб, ал-Ҳасан ал-Басрий мактабини тарк этади. Восил ибн Атонинг тарафдорлари катта масжид устунни ёнида йиғилиб, устозлари Восил ибн Атонинг маърузаларини эшитадиган бўлишган. Шунда ал-Ҳасан ал-Басрий баланд товуш билан: “Восил биздан ажралди” (иътазала анно) деб айтади. Ўша пайтдан бошлаб Восил ибн Ато ва унинг издошларини “муътазилийлар” (ажралганлар) деб атай бошлашади. Навбахтий шиаликларнинг фикрини келтириб, шундай дейди: “Саъд ибн Абу Ваққос, Абдулла ибн Умар, Муҳаммад ибн Маслама, Усома ибн Зайд-мана булар биринчи имом Алидан ажралганлар; улар у (Али р.а.) билан ҳам ,унга қарши ҳам жанг қилишдан бош тортдилар. Шунинг учун уларни муътазилийлар деб аташди. Булар ҳозирги муътазилийларнинг бошланғич авлодидир”. Бу турли фикрлардан иккита хулоса қилиш мумкин:

1. “Муътазилийлар” атамаси бу доктрина тарафдорларига нисбатан уларнинг душманлари томонидан ишлатилди. Унинг маъноси гуруҳдан ажралиб чиққанларни англатади.

2. Ажралишнинг сабаби сиёсий асосга эга. Лекин муътазилийлар таълимотига чуқурроқ назар солинса, бунинг сабаби сиёсатда эмаслиги ошкор бўлади.

“Муътазилийлар” атамасининг ўзи уларга нисбатан фақатгина уларнинг душманлари тарафидангина қўлланилмаган. Муътазилийларнинг ўзлари эса бутун тарихлари давомида бу номда бирор салбий нарсани кўришмаган ва аксинча, доимо, у билан фахрланиб юришган. Савол туғилади: бу ном улар учун яна бирор бошқа нарсани англатганмикан? Уларнинг доктринаси икки принципга асосланган: Яратгувчи-мутлақ ягоналик ва инсоннинг мутлақ эркинлиги принципи. Бунда унинг ҳар бир қилмишига яраша бир зумда жазо ёки мукофот белгиланади. Улар фақат шу принципларни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни ҳаққоний ҳисоблаганлар (инсоннинг қилмишига, масъулиятига келсак, шиаликлар бу масалада уларни тўлалигича қўллашган). Эътибор қиладиган бўлсак, Қуръон уларни садоқат ва иймон тимсоли

сифатида тасаввур этиб, иътизол билан характерлайди: “Қабилдош мушриклардан, Аллоҳдан ўзга улар сиғинаётган нарсалардан ҳам ажралдингизми, энди ғорга бориб беркинингиз, Аллоҳ Ўз раҳматидан сизларни, эй йигитлар, бенасиб қўймайди ва ишларингизда мадакор бўлур¹, чунки ягона Аллоҳга ибодатлари туфайли улар куфрга шўнғиган жамиятдан ажралганлар. Муътазилийлар фикрича, ажралганлик айб эмас. Улар яккахудоликнинг поклигини сақлаш, адолат ва инсон эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида ажрალიшди. Бошқа тарафдан қарасак, мусулмон жамиятида рўй бераётган сиёсий ҳодисаларнинг ўзи қанчалар жиддий бўлмасин, муътазилийларнинг пайдо бўлиши учун етарли сабаб бўла олмасди.

Табийки, Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) нинг Али (р.а.) ўринларига халифа этиб сайланиши, учинчи халифа Усмон (р.а.) нинг ўлдирилиши, мусулмон жамоасининг кўп мазҳаб ва оқимларга парчалиб кетиши ва ниҳоят, Муовия ва Али ораларидаги қонли кураш, ҳаммаси, албатта, мусулмонлар юрагида қора излар қолдиради. Мутафаккирлар ҳам бундан мустасно эмасдилар. Лекин бу кураш қаърида беркиниб ётган муаммолар оддий сиёсат ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган эди. Қонуний имомни тайинлаш соф ижтимоий масалами ёки бу иш жамоанинг оддий овоз беришига боғлиқми? Ёки имомат оддий метафизик аҳамиятга эга бўлиб, жамият тақдири билан фақат бу дунёда эмас, балки унинг ташқарисиди ҳам жуда чуқур алоқадорликка эга бўлганлиги учун жамоанинг оддий овоз беришига боғлиқ бўлмаслиги зарурми? Бундай саволлар Шиъа исломи олдида турарди.

Хўш, қонуний имомга қарши чиққанларчи? Уларнинг адолат учун курашганликларидан қатъий назар, уларнинг илоҳий ва ҳуқуқий ҳолатлари қандай? Бу ерда гап назария устида эмас, балки аниқ ҳаётий воқелик устида борарди. Муътазилийлар бу саволларга топган жавоблари уларнинг нуқтаи назарларида аксини топган. Уларнинг тафаккурларига бошқа омиллар ҳам таъсир қилган. Хусусан, уларнинг исломий муҳитда яшаётган ва айна пайтда мусулмон бўлмаган гуруҳларга муносабатлари эди; бу ерда Ироқда яшаётган маздакийлар ва Суриядаги насроний ва яҳудийлар назарда тутилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Х.С.Нюбергнинг таъкидлашича, муътазилийларнинг дунёқарашини белгилаган омиллардан бири Куфа ва Басрага эрондан келиб тарқалган мазҳаблар дуализми эди. Бунинг ҳақиқатлигига бошқа далиллар ҳам йўқ эмас (масалан, Китобу-л-Ағони): Восил ибн Ато ва Амр ибн Убейд Азд ҳокимининг қароргоҳида тез-тез бўлиб ўтадиган мунозараларда қатнашиб туришган. Бу йиғилишларнинг баъзи иштирокчилари қадимги эроннинг дуалистик таълимотларини ҳимоя ҳам қилишган. Муътазилийлар насроний ва яҳудийларнинг баъзи таълимотларига ҳам диққат эътибор билан қараганлар; ундаги зиддиятлар ахлоқ, илоҳиёт ақидалари, ислом концепцияси ва унинг асосчиси шахсиятига ҳам алоқадор бўлган. Бир нарсани ишонч билан таъкидлаб хулоса қилиш мумкинки, муътазилийларнинг илоҳий бирлик концепцияси насронийларнинг муқаддас учлик ақидасига қарши йўналтирилганди. Муътазилийлар илоҳий зотда сифатларнинг мавжуд бўлиши мумкинлигини инкор этганлар ва сифатларни беназир илоҳий зотдан бошқа бутун ижобий воқеликка хослигини таъкидлаганлар. Шу йўл билан улар муқаддас учлик мисолида кўп илоҳларга парчаланиб, саноксиз сифатларга эга бўлиб кетаётган илоҳ тимсоли борлиги хулосасига келишади.

Муътазилийлар таълимоти ҳақида. Муътазилийлар таълимоти ҳақида яхлит фикр айтиш қийин, чунки бу ҳолда ягона фалсафий тизим билан бир қанча мутафаккирларнинг дунёқарашларини келиштиришга тўғри келарди. Лекин, шунга қарамай муътазилийларга хос бешта умумий фикрлар (тезислар) борки, уларни тўлалигича қабул қилмасдан туриб, бу мактабнинг аъзоси бўлиш мумкин бўлмасди. Бу беш тезисдан иккитаси илоҳийлик концепциясига алоқадор, учинчиси эсхатология билан боғлиқ, тўртинчи ва бешинчи тезислар эса илоҳиётдаги ахлоқ масаласига доир.

¹ Бу ерда ва келгусида таржималар муаллифники.

3.1. Тавҳид (яккаҳудолик ёки илоҳий ягоналик, яхлитлик). Бу ислом динининг фундаментал ақидаси ҳисобланади. Бу ақида муътазилийлар тарафидан яратилмаганди, лекин бу ақидани тушунтириш, изоҳлаш масаласида улар бошқа илоҳиётшунослардан фарқ қилардилар. Муътазилийлар ўзларини Тавҳид аҳли (аҳлу-т-Тавҳид) деб аташни яхши кўришган. Ал-Ашъарий (мақолоту-л-исломийин асарида) муътазилийларнинг тавҳид концепциясини шундай тушунтирган: ”Аллоҳ беназирдир, ҳеч нима унга ўхшамайди; у жисм эмас, шахс эмас, жавҳар ҳам эмас, арад ҳам эмас. У (фалсафий) замоннинг нариги тарафида. У маълум бир жойда ёки бирор мавжудотда яшай олмайди; унга махлуқотларга хос бирор белги ёки сифатларни илиб бўлмайди, у туғмаган ва туғилмаган. Уни ҳиссий аъзолар билан сезиб бўлмайди. Кўзлар уни кўрмайди, назар унга етолмайди, хаёл доирасининг кучи ожиз. У нарса, аммо бошқа нарсалар сингари эмас, у ҳар нарсадан хабардор ва қудратли. Лекин унинг ҳамма нарсадан хабардорлигига ва қудратига бирор махлуқотники тенг келолмайди. У дунёни илгаридан белгиланган режа асосида ёки кимнингдир ёрдамида яратмаган”. Илоҳий борлиқнинг ва бирликнинг бу концепцияси бир меердадир; Онтология нуқтаи назаридан бу концепция шартсиз борлиқ режаси билан чегараланган, бинобарин шартли борлиққа алоқаси йўқ. Бундан хулоса шуки, илоҳий сифатлар инкор этилади, Қуръоннинг махлуқлиги тан олинади, Аллоҳни кўриш мумкинлиги ҳар тарафлама инкор этилади. Бу хулосалар ислом ақидашунослигида катта аҳамиятга эга бўлган.

3.2. Илоҳий адолат. Илоҳий адолатни тушуниш учун муътазилийлар инсон эркинлиги ва масъулияти ҳақида фикр юритганлар (юқорида бу масала борасида уларнинг шиаликлар билан ҳамфикрлиги айтилганди). Муътазилийлар тушунчасида инсоний масъулият илоҳий адолат принциpidан келиб чиқади. Бусиз охиратдаги азоб ва жазо ўз маъносини йўқотади, илоҳий адолат ғояси эса ўз пойдеворидан маҳрум бўлади. Айни пайтда, қандай қилиб инсон иродаси эркинлиги ва инсон ўз тақдирининг эгаси тезисини Қуръондаги буларга зид жойлар билан келиштириш мумкин? Қуръонда айтилишича бошимизга нимаики келса Аллоҳ иродасига биноан содир бўлади, қилаётган барча амалларимиз эса олдиндан битилган. Муътазилийлар бунга жавобан айтишадики, барча нарсаларни қамраб олган илоҳий (мо шоа-илоҳий ирода манбаи) ҳоҳишнинг ҳам, буйруқнинг (амр) ҳам натижаси эмасдир, балки Аллоҳнинг азалий, абадий нияти ва заковати билан белгиланади. Лекин, “ҳамма нарса лавҳул маҳфузда битилган” деган ақида метафизик маънода Аллоҳнинг билимини англатади холос. Бу билим инсон ирода эркинлигига зид эмас, табиатига кўра у борлиқ ҳисобланиб, ҳоҳиш–ирода ёки буйруқ-амрни англатмайди.

Инсон ирода эркинлигини таъкидлаган ҳолда муътазилийлар шундай дейишади: “бу принцип илоҳий адолат ғоясидан келиб чиқар экан Қуръон билан ҳамнафасдир, чунки Қуръонда ҳар бир нафс ўз қилмишига ўзи масъулдир деб айтилади: “Кимки яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса ҳам ўз зиёнигадир. Раббингиз бандаларга зулм қилувчи эмасдир”.41-46. Бу оят бошқа оятлар сингари инсон ирода эркинлигини таъкидлайди. Ва ниҳоят, барча мусулмонларнинг таъкидлашича, Аллоҳ томонидан уларга маънавий, ахлоқий ва ижтимоий мажбуриятлар юкланади. Шундай экан, инсон ўз хатти-ҳаракатлари эркинлигини англамасдан туриб, қандай қилиб мажбуриятларни адо этишга отланади?

3.3. Ваъд ва ваъид. Исломнинг барча мазҳаблари, фирқалари, йўналиш ва оқимлари бир нарсани яқдиллик билан тан олишади. У ҳам бўлса, мўмин бандаларга охиратда мукофот ва гуноҳкорларга жазо борлигидир. Муътазилийлар бу масалани ўзларининг илоҳий адолат ва инсон иродаси эркинлиги концепциялари билан боғлаганлар. Илоҳий адолатга кўра имонлик ва имондан йироқлашган бандаларга нисбатан бир хил муносабатда бўлинмайди. Инсонга келсак, эркинлик концепцияси у ўз (хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон) қилмишларига масъуллигини тақозо этади. Бинобарин, муътазилийлар таълимотида илоҳий адолат ғоясига алоҳида юқори ўрин берилади.

3.4. Ўрта ҳолат (ал-манзила байнал манзилатайн). Юқорида айтганимиздек, айнан шу тезис Восил ибн Ато ва муътазилийа мактабининг асосчиси Ҳасан ал-Басрий ораларига низо солади.

Низонинг сабаби “гуноҳ” тушунчасида эди. Муътазилийларнинг тезиси илоҳиёт ва ҳуқуқ нуқтаи назаридан гуноҳкорни шундай ҳолатга тушириб қўядики, бу ҳолат мусулмоннинг ҳам, мусулмон эмаснинг ҳам ҳолатидан фарқ қилади. Кўпгина мусулмон ҳуқуқшунослари ва дин арбоблари билан келишган ҳолда муътазилийлар гуноҳларни иккига ажратишган: сағоир- (енгил гуноҳлар) ва кабоир (катта ёки гуноҳи кабиралар). Кичик гуноҳ вакиллари иймонларини йўқотмайдилар, албатта агар улар бу гуноҳларни мунтазам қилавермасалар. Иккинчи турига келсак (гуноҳи кабираларга), улар ҳам икки турга бўлинади: куфр ва бошқалар. Бу охириги икки тур, муътазилийлар фикрига кўра, мусулмонни жамоа ташқарисига чиқариб юборади лекин айна вақтда уларни кофир қилмайди (мутлақ маънодаги иймонсиз). Бундай гуноҳкор ўрта ҳолатга тушади, яъни мусулмон ҳам эмас, кофир ҳам эмас. Бу ўрта ҳолат ичида ўзига хос қийинчиликлар мавжуд бўлади.

3.5. Маънавий императив (ал-Амр бил маъруф ва-н-наҳий ани-л-мункар) муътазилийларнинг бешта асосий тезисларидан охиригиси бўлиб, бевосита ислом жамияти ҳаётига алоқадордир; Бунга кўра ижтимоий амалиётда ирода эркинлиги ва адолат принциплари қўлланилиши зарурдир. Муътазилийлар учун адолат - алоҳида олинган шахсларнигина адолатсизлик ва ёмонликдан нари юриши эмасдир. Бунда бутун ислом жамияти фаол иштирок этиши керакки, бунинг натижасида жамиятда тенглик ва ижтимоий мутаносиблик руҳи ҳукм сурсин. Фақат шундагина жамиятни ташкил этувчи ҳар бир шахс ўзининг имкониятларини тўлалигича намоён қила олади. Шунга ўхшаш ирода эркинлиги ва ҳар бир шахснинг масъулияти унинг турли имкониятлари ривож билан чекланмаслиги керак; бу имкониятлар бутун жамият манфаати йўлига хизмат қилиши керак. Бу принципга келсак, у Қуръони Карим саҳифаларида тез-тез учрайди.

Лекин шуни таъкидлаб, тан олиш керакки, мусулмонларнинг ахлоқий-ижтимоий ҳаракатларини фикҳнинг адолат ва инсон эркинлиги принципи билан асосланиши муътазилийларнинг кашфиёти эди. Бундан ташқари шуни қўшиб кетиш жоизки, муътазилийа рационализи ўзининг мантиқий ниҳоясини тарихдаги машҳур “худосиз” (мулҳид) ибн ар-Ровандий (вафоти IX асрнинг 60-нчи йиллари ёки X асрнинг бошларида) ижодида топади, чунки Ар-Ровандий нубувват , ваҳий ва барча динларни инкор этган.

Қуръон таълимоти асосида шаклланган ислом динида икки хил мажбурият бўлган: ”жасад (бадан, тана) бурчи” ва “қалб бурчи”. Ибн Рушд издоши бўлмиш Ибн Халдуннинг ёзишича, биринчиси “бурч билан боғланган барча мусулмонларнинг амалларини идора этадиган илоҳий қонундан иборат”дир. Бу фикҳ (аввалги маъноси бирор нарсани “тушуниш”, “билим”) деб аталган. Илк пайтларда фикҳнинг мазмуни тор маънода (ижтиҳод) ёки ҳукм масалаларини шахсий мулоҳаза ва таҳлил ёрдамида ҳал этишни англатган. Лекин кейинчалик эса, фикҳнинг доираси кенгайиб, Қуръон; сунна; қиёс; ва ижмоъларга суяниб иш юритадиган мусулмон ҳуқуқшунослигини англатиш даражасига кўтарилган.

Мажбурият ёки бурчнинг иккинчи тури (кейинчалик унинг заминиде илоҳиётшунослик пайдо бўлган) тақдир (қадар) га алоқадор бўлиб, тил изҳорининг қалб билан тасдиқланишини англатади ва расулуллоҳ (с.а.в) суннатларига биноан тасдиқи имон деб аталади.

X асрга қадар илоҳиётшунослик ва ҳуқуқшунослик ислом қонунчилиги (фикҳ) да яхлит шаклда мавжуд бўлиб келган. Кейинчалик, айнан фақиҳлар орасидан турли гуруҳлар ажралиб чиқа бошлашади ва илк масалалардан ҳисобланган тақдир ва Қуръоннинг “яратилганлиги” масалалари кўтарилиб, калом фалсафаси ривож учун ижодий пойдеворга асос солинади.

X асрга келиб, ислом илоҳиётшунослиги фикҳдан узил-кесил ажралиб чиқади. Бунгача илоҳиётшунослик фикҳга маълум даражада тобеъ бўлган, чунки илоҳиётшунослик методлари фикҳ доирасида шаклланган услубларга суянарди ва улар доирасидан ташқарига чиқиб кетиш эса маъкул бўлмаган.

Фикҳ амалиётининг асосий принципи (каломда ҳам) ”ижтиҳод” (тиришқоқлик, бирор масалани ҳал этишда изчиллик кўрсатиш) дир. Бинобарин, ижтиҳод фақиҳ томонидан илоҳиётшунослик, ҳуқуқшунослик масалаларини ечимини топишда турли исбот, далиллар, ҳал этиш услубларини

қидириш ва шу йўл билан қонунчилик соҳасида ўзининг мустақил ҳукмини ишлаб чиқишга жону-дили билан ҳаракат қилишдир.

Турли фикҳ мактаблари тарафидан ижтиҳоднинг қуйидаги уч даражотларидан бири қабул қилинади:

- А). Фақат фикҳ мазҳаблари асосчиларигагина тегишли бўлган қонунчиликнинг қабул этилиши;
- Б). Қонунчиликнинг маълум мазҳаб ҳудудидагина қабул бўлган нисбий салоҳияти;
- В). Мактаб асосчилари тарафидан, ҳал этилмай қолиб кетган масала юзасидан ҳукм чиқариш учун, белгиланган қонунга берилган махсус салоҳият.

Шунингдек, турли фикҳий мактабларда қуйидаги ҳуқуқий услублар ҳам ишлатилган:

1. Ра'й (сўзма-сўз таржимаси “кўриш, нуқтаи назар, кўрмоқлик ва ҳоказо”) - “шахсий фикр, ҳукм чиқариш услуби”. Одатда “мен дедим, менинг фикримча, менинг назаримда..”деган иборалар билан бошланади. Мулоҳаза юритувчи шахс Қуръон ва ҳадисларни ўзи шахсан шарҳлайди ёки юқори мартабадаги калом уламоларининг сўзларидан иқтибослар келтиради. Бу услубни қўлловчи шахс жуда олий диний обрў-эътиборга эга бўлиши, одамлар муҳаббатини қозонган, юксак руҳиятли ва инсонлар дилига назар сола оладиган мавқени эгаллаган бўлиши лозим.

2. Қиёс (сўзма-сўз таржимаси “солиштириш, қиёслаш”) маъноларини беради. Тушунча (диний, ҳуқуқий), ҳақиқатларларни қиёслаш орқали ҳукм чиқаришни англатади. Бунда қўлланиладиган фикрлаш методикаси одатда Арасту мантикига суянган бўлиб, умумий ҳолатлардан хусусий ҳулосага ўтишни билдиради. Фикҳда ҳолатлар қиёсланади, сабаб ва мақсадлар (мотивация) таҳлил этилади ва ниҳоят ҳукм чиқарилади. Каломда асосан ана шу икки услуб кўпроқ ишлатилган.

3. Ижмоъ - бир неча нафар улуғлар ёки замонанинг барча уламолари фикри асосида чиқарилган ҳукм. Бир замонда яшаб турган барча мусулмон уламолари (мужтаҳидлар)нинг илоҳиётшуносликка оид бўлган ва Қуръон ва ҳадислардан уларга жавоб топилмаган бирор масаласи бўйича яқдиллик билан келинган ягона ҳулосаси-ҳукмига айтилади. Аммо бу услубдан қуйидаги муаммолар ҳам чиққан:

1. Ижмоъ Қуръонни инкор эта оладими?!

2. Ижмоънинг кейинги авлодларга ҳам таъсири борми?

3. Иснод - анъанавий ҳукм чиқариш услуби ҳисобланган. Манбаъни ҳарфма-ҳарф қабул қилиш. Бу услуб ўз замонларида жуда кенг тарқалган бўлиб, ундан фойдаланаётган ёки уни қўллаётган одамдан “ижозат” талаб этилади. Ижозат-устознинг услубни қўллайдиган шогирдига ўзи билганларини тўла-тўқислигича, мукамал ҳолда етказиб берганлигини ва шогирд улардан фойдалана олишини тасдиқлайдиган шаҳодатномани англатади. Ижозат устознинг шахсий муҳри билан муҳрланади. Бундан ташқари, шаҳодатномада пайғамбар алайҳиссалоту вассаломнинг энг яқин саҳобаларига ёки ўзларига тақалиб борадиган “устоз-шогирд” силсиласидаги барча уламо-фуқаҳоларнинг номлари ҳам бирин-кетин келтирилиши керак бўлган.

Юқорида зикр этилган услублардан ташқари яна кичикроқ услубчалар: истиҳсон, истислоҳ ёки маслаҳа, истисҳоб, дарура ва урф ҳам қўлланилган.

Истиҳсон - таҳсинга сазовор ҳаракат ёки амал бўлиб, уни қиёснинг баъзи оғир ҳисобланган ҳукмлари “юкидан” озгина озод этиб, ана шу амал ёки ҳаракатнинг йўқ бўлиб кетишига ёки қутилмаган салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймасликни англатади.

Кейинчалик “истиҳсон” ривож топиб, анъанавий қиёсга зид келадиган янги қонунни топиш услуби маъносига эга бўла бошлайди.

”Истислоҳ ва маслаҳат”га келсак, улар иккови истиҳсонга алоқадор бўлишганлиги сабабли, тадқиқотчилар уларни, кўпинча аралаштириб юборишади. Бу икки услуб жуда оддий ва содда ҳисобланган ҳукм чиқариш йўллари билан баҳслашган бўлса, истиҳсон ҳукм чиқаришнинг илк даврига алоқадор бўлган.

Бу услублар аниқ, шубҳасиз ва бутун жамият ҳаётига алоқадор фикрлар мавжуд бўлган тақдирдагина устувор аҳамиятга эга бўлади.

“Истисхоб - Аллоҳ иродасига, илохий қонуниятга зид бўлмиш бирор нарсага йўл қўймасликка ҳаракат қилишдир.

“Дарура” (зарурат)-Қуръонда келтирилган маънодан “қиёс” ёрдамида келтириб чиқариладиган услуб сифатида қабул қилиниши керак. Масалан: “Ёв ҳужуми) хавфида бўлсангиз, намозни пиёда юраётган ҳолатингизда ёки отда ўтирган ҳолингизда адо этишингиз мумкин. Хатар бўлмаса, Аллоҳ сизларни қандай ўргатган бўлса, шундай адо этингиз”.(2:239)

Бу ерда жанг арафасида эгарда ўтирган отликқа бошқа амалларни адо этмасдан туриб, ибодат қилишликка рухсат этади. “Қиёс” ёрдамида ҳаром нарса ҳалолга айланади. Худди шу принципни бошқа оятларда ҳам учратиш мумкин, масалан, мусулмон одамга чўчка гўштини ейиш ва умуман, ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳаром этилганларни бажаришга рухсат этилади: “Ҳақиқатан ҳам, У сизга ўлик (жонзотни) , қон ва чўчка гўштини; Аллоҳдан ўзга илоҳ йўлида қурбонликка келтирилган (ҳайвон) гўштини ейишликни ҳаром қилди. Кимки, (юқорида зикр этилганлардан) жонини сақлаш мақсадидагина роҳатланмасдан, бир озгина ейдиган бўлса унга гуноҳ йўқдир, чунки Аллоҳ Кечиргувчи ва Раҳмдир (Зотдир). 2-173.

“Урф” ёки оддий “одат” (ўзбек тилида урф-одат дейишга ўрганилган) қиёсдан юқорироқ аҳамиятга эга бўлиши мумкин, лекин, ҳеч қачон Қуръон ва суннадан устун бўла олмайди.

Ўрта асрлар мусулмон оламида (Г.О.Вольфсон фикрига кўра) ”калом” қуйидаги позицияларга нисбатан тушунилан:

1. Муътазилийа таълимотига қадар диний адабиётда қиёс асосида юзага келган ва Аллоҳнинг антропоморф сифатларига, ирода эркинлиги, гуноҳкорларнинг вафотидан сўнгги аҳволи ва бошқа қатор нарсаларни англаштириш учун ишлатилган;

2. IX аср бошларида шаклланиб, антик юнон фалсафий адабиётининг араб тилига таржима этилаётганига қадар яшаб келган нофалсафий (нофалсафий муътазилийа вакиллари қиёсга ўзларининг фикрларини тасдиқлаш мақсадида мурожаат қилишган) муътазилийага нисбатан;

3. Қиёсга нафақат солиштириш, ўхшатиш (аналогия) назари билан, балки силлогизм сифатида ҳам суянган фалсафий муътазилийага (IX аср) нисбатан; фақат энди фикрлар заминиди диний эмас, балки фалсафий мушоҳадалар ётарди;

4. Ортодоксал, спекулятив теологияга, аниқроғи, муътазилийа каломига қарши тура оладиган, шаклланиб бўлган ортодоксал калом (ашъарийа каломи) га нисбатан.

ХУЛОСА. Бизни биринчи галда фалсафий муътазилизм (муътазилийа) қизиқтиради. Бу фалсафага баҳс-мунозара руҳи хос бўлиб, улар тарафидан ўртага сурилган масалалар бўйича билдирилган фикрлар сони бошқа фалсафий қарашлар билан келишувга келган масалалар сонидан анча кўп бўлган. Муътазилийа фалсафасининг асосий белгиси рационализм, яъни ақл устуворлиги бўлган. Эътиқод масалаларининг иккинчи даражали муаммолари у ёқда турсин, ҳатто биринчи даражали масалаларни таҳлилига оид жавобларни текширишда ҳам ақлий мезонларга жуда юқори ўрин берилган.